
ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ ВА ФАОЛЛИГИ

Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 март куни ПҚ-5020-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра жойларда “Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бир талай вазифалар белгиланган. Хусусан, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилиши баробарида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтиришга кўмаклашилади. Қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифати оширилади. Турар-жойга муҳтож хотин-қизлар уй-жой билан таъминланади. Уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор масалалар чуқур таҳлил қилинади, илғор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади. Хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш чоралари кўрилади. Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллалардаги “Аёллар маслаҳат кенгашлари” фаолияти мувофиқлаштирилиб, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлиги таъминланади, услубий-амалий кўмаклашилади. “Аёллар дафтари” билан манзилли ишланиб, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилади. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси жойларга чиққан ҳолда ҳар бир хонадон ва маҳалла кесимида ишлар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Абдумўмин НУРМАТОВ,
Риштон тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

2021-06-23 08:53:07